

Шоир, драматург, таржимон Рамз Бобожон 1921 йили Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Тълим-тарбия техникумини тамом килгандан кейин Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг адабиёт факултетига кириб ўқиёди.

1939—1948 йилларда у «Ленин учкунни» мухарририятида бўлим бошлиги, Ўзбекистон Давлат нашриётида, Ўзбекистон Радио комитетида мухаррир бўлиб ишлади. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида адабий маслаҳатчи, котиб, «Ватан» жамияти раҳбари сифатида фаол меҳнат килди.

Рамз Бобожон 1936 йилдан ижод кила бошлаган. Шу вактгача «Шеърлар» (1939), «Хадя» (1940), «Олтин камалак» (1949), «Водий бўйлаб» (1949), «Танланган асарлар» (1958), «Севги сирлари» (1963), «Сердсе не спит никогда» (1963), «Дважди живёт поэт» (1966), “Да — я азиат” (1973), «Сенга севгилим» (1969), «Би-ринчи парвоз» (1989), «Мухаббатга таъзим» (1980) каби бир неча тўпламини ва «Сайланма»ларини нашр эттириди.

Шоирнинг “Кадрдон дўстлар” поемаси уруш ва ундан кейинги даврдаги совет халкларининг дўстлигини кўрсатишга багишланган. Драматургиямиз тараккиётида Рамз Бобожоннинг ўзига яраша хизматлари бор. 1961 йилда “Тога ва жиянлар” комедиясини яратди. «Лўлилар” песаси Москва театрларида намойиш килинди.

Колок шахслар кескин фош этилган “Инсу жинс ёки тирик мурдалар” (1972) комедияси хам муҳлислар томонидан илик кутиб олинди.

Драматургнинг «Юсуф ва Зулайх» (1981) драмаси, айникса, томошабинлар ва кенг китобхонлар олкишига сазовор бўлди.

Рамз Бобожоннинг адабиёт шинавандалари факат шоир сифатида эмас, балки яхши таржимон сифатида хам билишади. А. С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, Н.А.Некрасов ва бошқа классикларнинг асарларини ўзбек тилига таржима килган.

Рамз Бобожон ўзининг баракали ижодий фаолияти учун “Хурмат белгиси” ордени билан мукофотланган.

1972 йилда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Халк шоири унвони ва «Оби хаёт» поемаси учун Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган. Кўп йиллар давомида «Ватан» жамиятини бошкариб келган.